



ИДИОМАТИК ҚҮШМА СҮЗЛАРДА КОНЦЕПТУАЛ ДЕРИВАЦИЯ

Юлдашев Акмал Гуламжанович,

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети
катта илмий ходим-изланувчиси

Калит сўзлар: концептуал деривация, идиоматик қўшима сўз, когнитив майдон, концептуал метафора, майдон-манба, мақсаднишон.

Тил ва тафаккур муносабатлари масаласининг фалсафа, тилшунослик ва психология фанлари доирасида батафсил муҳокама қилиниши когнитив тилшунослик тараққиёти учун мустаҳкам замин яратди. Когнитив тилшунослик мажмуавий тадқиқот соҳаси бўлиб, у тилшунослик ва психологиядан ташқари сунъий интеллект назарияси, психолингвистика, нейролингвистика каби фанлар соҳаларига оид илмий ёндашувларни ҳам умумлаштиради.

Когнитив тилшуносликда лисоний интерпретация муаммоси ҳам муҳим ўрин тутади. Н.Н. Болдиревнинг фикрича, лисоний интерпретация идрок фаоллиги сифатида ўзаро боғлиқ *статик* ва *динамик* белгиси билан характерланади. Статик аспект ўз натижалари билан биргаликда когнитив тузилмалар, яъни оламнинг лисоний концептуаллашуви ва категориялаштирилиши натижаси – концепт ва категориялар тизими сифатида тавсифланади. Лисоний идрок фаоллигининг динамик аспекти эса айнан концептуаллашув ва категориялашув жараённида иштирок этувчи лисоний шакллар орқали намоён бўлади [1; 7]. Шунингдек, олим олам ва билимнинг тилдаги интерпретацияни бирламчи ва иккиламчи интерпретацияга бўлади. Бирламчи интерпретация инсоннинг олам тузилишида фаол ва аниқ бир мақсаддаги ҳаракатини ва у билан бўлган ўзаро ҳаракат схемасини англатади. Бу жараёнда инсон оламни идрок этишда борлиқдаги нарса ва ҳодисаларни маълум бир қолипга, яъни категорияларга жойлаштиради. Бу жараёнда тизимли концептуал майдон шаклланади. Масалан, ТАБИАТ, ИНСОН,

ЖАМОА, АРТЕФАКТ, ҲОДИСА каби концептуал – мавзуй майдонлар. Иккиламчи интерпретация обьекти эса юқорида айтиб ўтилган ҳолат натижаси ўлароқ, олам ҳақидаги билим, обьект ва ҳодисалардир. Унинг натижаси оламнинг обьект ва ҳодисаси ҳақида янги билим демакдир [1; 8-9].

Оламнинг иккиламчи идрокини Р.Жекендофф “дастурланган, режаланган олам” (projected world), “синалган олам” (experienced world) деб номлайди [3; 28]. Ж. Фокенъе эса “билимнинг қайта тизимлаштирилган қолипи” деб атайди (available prestructured background schemas).

Инсоннинг оламни идрок этиши жараённида воқеликнинг қайта англаниши натижасида индивиднинг концептосферасида янги мураккаб когнитив жараёнлар амалга ошади. Бу жараёнлар сўз ясалиш тизимида деривация мақомига эга бўлади. Маълумки, тилшуносликнинг структурал-функционал босқичида *деривация* – аффиксал сўз ясалиши [4; 34] мавжуд тил бирликлари негизида янги тил бирликларининг ҳосил бўлиш жараёни бўлиб, ўзакнинг аффикслар ёки сўз қўшиш орқали кенгайишидир [5; 129]деган таърифлар асосида бир қанча илмий тадқиқотлар олиб борилди.

Когнитив тилшунослик соҳасида эса *деривация* – концептуал мақомини олди. Концептуал деривация аниқ концептлар ўртасида алоқа мавжуд эканлигини назарда тутган ҳолда асосий концепт ва унинг асосида пайдо бўлган концептларнинг ўзаро таъсирини таъминлайди. Концептуал деривация ясама сўзларда ўз аксини топади. Концептуал



деривация назариясига асос соглан Е.С.Кубрякованинг фикрича, инсон билимларининг ўзаро боғланиши маълум бир сўз ясалиш конструкциялари, сўз ясаш моделлари, механизмлари ва унинг семантикасига асосланади.

Л.В.Бабинанинг фикрига кўра, концептуал деривация когнитив жараённи акс эттиради, инсон концептуал тизимида шакланиб бўлган билим асосида янги концептуал билим ҳосил бўлади [6; 132]. Кўринадики, тилда ҳосил бўладиган ҳар қандай ҳосила маъно ўз-ўзидан пайдо бўлмайди, балки тил соҳиби оламни идрок этиш жараёнида эгаллаган билимiga асосланган ва қиёслаган ҳолда амалга оширади.

Инсон сўз ясаш жараёнида тил бирликларини маъноси ва шаклида тайёр ҳолдагидек қўлламайди [1; 5], Е.С.Кубрякова таъбири билан айтганда, “инсон тайёр лисоний либосга тафаккурни кийгизиб қўймайди” [7; 14], аксинча, ўз фикрини шакллантириб, унга мос келадиган тил бирликларини танлайди ва унинг ижросини ҳар бир аниқ нутқ фаолияти жараёнида таъминлайди.

Аникроқ айтадиган бўлсак, инсон оламни идрок этар экан, албатта, бу жараёнда эгалланаётган билимни унгача бўлган билимлар билан ўзаро қиёслайди. Қиёс асосида онга янги концепт шаклланади. Бундай ҳолат, айниқса, идиоматик қўшма сўзларда яққол ўз аксини топади. Идиоматик қўшма сўзларни тузилишига кўра икки ва ундан ортиқ асосларнинг бирикувидан ҳосил бўлган, семантик жиҳатдан маъноси компонентлари маъносидан келиб чиқмайдиган мураккаб тузилишли лексик бирликлар деб талқин қиласиз. Иккиламчи лисоний интерпретация ҳам идиоматикликнинг маҳсули ҳисобланади.

Ш.Сафаровнинг қайд этишича, билим олиш ва уни хотирада сақлаш ҳамда амалда қўллаш, узатиш манбаи ва уни шакллантирадиган восита – тил тизими когнитив таҳлил объектиdir [8;10-16].

Когнитив тилшунослиқда концептнинг ўрни алоҳида эканлиги олимлар томонидан кўп бор таъкидланган. Жумладан, Е.С.Кубрякова концептнинг онгимиз ва руҳий имкониятларимиз ҳамда инсон билими, тажрибасини акс эттирувчи тафаккур бирлиги эканлиги хақида фикр юритади. Унинг фикрича, концептуал тизим фикр юритиш ҳамда инсон психикасида воқелик қиёфасини акс эттирувчи тузилмадир, хотира ментал лексиконнинг фаол мазмун бирлиги, миянинг концептуал тизими, бутун олам манзараси инсон руҳида акс этади [9; 90].

Мазкур мақолада биз К.С.Кубрякова [9; 90] томонидан концептга берилган “концепт – бу инсон тафаккурининг тез ҳаракатчан (оператив) бирлиги ёки тизимли билим квантн” таърифига таянамиз. Негаки концепт инсоннинг ташқи оламни идрок этишида фаол ҳаракатланиб, унинг онгига ментал равишда намоён бўладиган бирлиkdir. Бу жиҳатдан, тил бирликлари, жумладан, идиоматик қўшма сўзларнинг концептуал-деривацион таҳлил қилиниши ҳар жиҳатдан лозим ва мақсадга мувофиқ. Шу ўринда А.Абдуазизовнинг “...сўзларни турли гурухларга ажратиб, маъноларини “семантик майдон”ларда таҳлил қилиш ва ўз навбатида уларни алоҳида концептлар сифатида қараш лозим” [10; 25] деган фикри ўринлидир. Ҳозирда сўз ясалишига когнитив ёндашув масаласига бағишланган илмий тадқиқот ишлари оз. Бу муаммонинг тўлақонли тадқиқ этилиши тил ҳодисалари ортида яширинган когнитив механизmlар моҳиятини чуқурроқ очиб беришга яқиндан ёрдам беради.

Инсон тўпланган ва тафаккурида категориялар ва субкатегорияларга бирлаштирилган билимлари ҳисобига оламни қайта англайди. Бу жараёнда тилда идиоматик қўшма сўзлар ҳам пайдо бўлади. Идиоматик қўшма сўзлар ҳосил бўлишида концептуал метафоранинг ўрни алоҳида ҳисобланади. Ж.Лакофф ва М.Жонсон метафорик ҳосила маънонинг



пайдо бўлишида когнитив тилшунослик нуқтаи назаридан иккита когнитив майдон, яъни “манба майдони” (source domain) ҳамда “мақсад майдони” (target domain) иштирок этишини кўрсатишади [11; 266]. Мисол тариқасида қўйдаги идиоматик қўшма сўзларни концептуал-деривация ҳолида концептуал метафора орқали ҳосил бўлганлигини кўриб чиқамиз.

**ҲАЙВОН + АРТЕФАКТ ← ЎСИМЛИК
манба майдони мақсад майдони**

Ўзбек тилидаги *тұяқалпоқ* идиоматик қўшма сўзи “чўл ва адирларда ўсадиган паст бўйли сершох бута”ни англатади. Ушбу Идиоматик қўшма сўзниңг *тұя* компоненти “бир ёки икки ўркачли, жуфт туёкли, асосан, юк ташиш учун хизмат киладиган, сувсизликка чидамли сутэмизувчи иш ҳайвони”ни англатади [ЎТИЛ IV, 2008: 222]. Идиоматик қўшма сўзниңг ясалишида бу лексеманинг *сувсизликка чидамли ҳайвон* семаси муҳим ўрин тутади. Тұя компоненти ҲАЙВОН концептининг когнитив майдонига мансуб. ҲАЙВОН концепти қўшма сўз ясалишида манба майдони вазифасини бажаради, шу билан бирга, иккинчи компонент билан проекциялашади.

Идиоматик қўшма сўзниңг *қалпоқ* компоненти “нарсалар устини қоплаб, беркитиб турадиган соябон ёки қопқоқ” луғавий маъносига эга [ЎТИЛ IV, 2008: 229]. Лексеманинг *беркитиб турадиган соябон* семаси идиоматик қўшма сўз ясалишида қатнашади. *Қалпоқ* лексемаси КИЙИМ концепти когнитив майдонига мансуб. Идиоматик қўшма сўз компонентларининг ҲАЙВОН ва КИЙИМ когнитив майдонлари ўртасида блендинг юзага келади. Кейинги босқичда ҲАЙВОН ва КИЙИМ манба майдони билан ЎСИМЛИК мақсад майдони ўртасидаги ўхшашлик аниқланади. Ўхшашлик *тұяқалпоқ* ўсимлигининг чўл ва адирларда ўсиши ҳамда түянинг сувсизликка чидамлилиги ва сахрова яшшида кузатилади, Шунингдек, сўз ясалишида ўсимлик гулларининг *қалпоқ* тузилишида

эканлиги ҳамда соябон вазифасини бажара олиши белгиси ҳам инобатга олинган.

**МАКОН + ҲАЙВОН ← ИНСОН
манба майдони мақсад майдони**

Инглиз тили Америка вариантидаги *hellcat* идиоматик қўшма сўзи (“spiteful, violent woman”) (*hell* – дўзах, *cat* – мушук) [ABBYY Lingvo x5] ўзбек тилида *жодугар, иссиқ-совуқчи* маъноларига эга. Мазкур қўшма сўзниңг ясалишида МАКОН концептининг когнитив майдонига мансуб *hell* (“in some religious, the place believed to be the home of DEVILS and where bad people go after death”) [OALD 2010: 725] лексемасининг *home of DEVILS*(шайтонлар уйи) семаси асосий ўринга чиқади. Ушбу идиоматик қўшма сўзниңг ясалишида ҲАЙВОН концептининг когнитив майдонига мансуб *cat* лексемасининг (“a small animal with soft fur that people often keep as pet”) [OALD 2010: 227] *sof t fur* (сири ва юмшоқ жунли) семаси ҳам фаоллашади.

Мисоллар таҳлилидан маълум бўладики, метафорик маъно қўчиши ёрдамида ҳосил қилинувчи идиоматик қўшма сўзларниңг маънолари унинг компонентлари билан боғлиқ концепт майдони ҳамда “концептуал метафора” деб номланувчи когнитив механизм асосида шаклланади.

Инсон тафаккурида мавжуд билимлардан фойдаланишга қаратилган когнитив механизmlар фаолияти амалга ошади. Когнитив механизmlар фаолияти инсонда муайян когнитив кўнилмаларни шакллантиради.

Идиоматик қўшма сўзларниңг юзага келишида андозавий қўшма сўз ясалиши қоидаларидан четга чиқиш билан бирга, бу жараёнда воқелик онгда когнитив механизmlар асосида қайта идрок этилади. Бошқача айтганда, Идиоматик қўшма сўзларниңг ясалишида инсон бир қатор когнитив жараёнларни босиб ўтади, у тилниңг луғат бойлигидаги мавжуд сўзлардан фойдаланган холда дунёни қайта англайди.



Идиоматик қўшма сўзларни ясашда инсон олам ҳақидаги билимларига таянади. Бу жараёнда оламни категориялаштириш, концептуаллаштириш ва, албатта, уларни акс эттирувчи когнитив механизмларнинг аҳамияти катта.

Идиоматик қўшма сўзнинг маъносини белгилашда фақат ифода плани билан кифояланиб бўлмайди, бу жараёнда қўшимча билим ҳам инобатга олиниши керак. Идиоматик қўшма сўзларнинг ясалишида, албатта, энциклопедик билим муҳим ўрин тутади. Шу билан бирга, идиоматик қўшма сўзларнинг концептуал

тузилишини белгилашда инсоннинг баҳоловчи билимига ҳам таянилади.

Тил соҳиби оламни идрок этишида эгалланган билими асосида муайян когнитив моделлар орқали борлиқдаги предмет ва ҳодисаларга ном беради.

Муайян концептуал майдондан ўрин олган субкатегориялашган концептларнинг фаоллашуви натижасида инсоннинг воқелик ҳақидаги ментал тасаввурини акс эттирадиган образлар, тушунчалар, тасаввурлар шаклидаги вербал ифодага эга тафаккур бирлиги ҳосил бўлади.

Адабиётлар:

1. Болдырев Н.Н. Антропоцентрическая сущность языка в его функциях, единицах и категориях // Вопросы когнитивной лингвистики. – Тамбов, 2015. – № 1. – С. 5-12.
2. Болдырев Н.Н. Категориальная система языка / Категоризация мира в языке / Когнитивные исследования языка X – Москва-Тамбов, 2012. 17-101 с.
3. Jackendoff R. Semantics and Cognition. – Cambridge, Mass: The MIT Press, 1991. – 322 р.
4. Ҳожиев А. Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон миллый энциклопедияси, 2002. – 165 б.
5. Языкознание. Большой энциклопедический словарь / Гл. ред. В. Н. Ярцева. – 2-е изд. – Я41 – Москва: Большая Российская энциклопедия, 1998. – 685 с.
6. Бабина Л.В. Концептуальные основы словообразования / Концептуализация мира в языке / Когнитивные исследования языка IV – Москва-Тамбов, 2009. – 128-149 с.
7. Кубрякова Е.С. Язык и знание. (на пути знаний о языке: части речи с когнитивной точки зрения, роль языка в познании мира). – Москва: Языки славянской культуры, 2004. – 560с.
8. Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: Сангзор, 2006. – 92 б.
9. Кубрякова Е.С., Демьянов В.З. Панкрац Ю.Г. Лузина Л.Г. Краткий словарь когнитивных терминов. – Москва: Филологический ф-т МГУ им. М.В.Ломоносова, 1997. – 245 с.
10. Абдуазизов А. Тилшунослигимиз истиқболлари // Филология масалалари. – Тошкент, 2011. – №3. – Б. 22-25.
11. Lakoff, G., Johnson, M. Metaphors We live by. 2-nd edition – The University of Chicago Press, 2003 – 256р.
12. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 4 – жилт. – Тошкент: “Ўзбекистон миллый энциклопедияси“ Давлат илмий нашриёти, 2008. – 608 б.
13. Oxford Advanced Learner`s Dictionary. Eighth edition. – Uk / India. Oxford University Press, 2010. – 1796 р.

Юлдашев А. Концептуальная деривация в идиоматических сложных словах. В статье речь идет о концептуальной деривации в сфере идиоматических сложных слов. В связи с тем, что теория концептуальной деривации является сравнительно новым направлением в когнитивной лингвистике, автор кратко описывает основные понятия и процедуру определения концептуальной деривации в языке.

Yuldashev A. Conceptual derivation of idiomatic compound words. The article deals with the problem of conceptual derivation in the sphere of idiomatic compound words. As the theory of conceptual derivation is comparatively new problem in cognitive linguistic, the author paid a certain attention to the basic notions and trends of determining conceptual derivation.